




ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ: ИККИ ТОМОНЛАМА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАХКАМЛАШНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан Хитой Халқ Республикасида бўлиб турибди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 октябрь куни Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан музокаралар ўтказди.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустахкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида Президентимиз таклиф ва кўрсатилаётган самимий қабул учун Хитой етакчисига миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон раҳбари ХХР Раисини Хитой ташкил толган кун ҳамда “Бир макон, бир йўл” ташаббусининг ўн йиллик юбилейи билан чин дилдан қўтлади.

— “Макон ва йўл” ташаббуси қисқа тарихий давр ичида умумий тараққиёт ва равнаққа эришиш йўлидаги ҳамкорлик учун муҳим, инклюзив ва очик платформага айланди. ХХР Раисининг “Яшил ипак йўли” ташаббуси илк бор 2016 йилда Ўзбекистонда билдирилгани чўқур рамзий маънога эга, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Ўзбекистон Хитой билан кўп қиррали муносабатларни янада чуқурлаштиришга қатъий интилиши алоҳида таъкидланди.

Ҳар томонлама стратегик шериклики янги даврда ривожлантириш бўйича беш йиллик дастур амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Президентининг жорий йил май ойидаги Хитойга давлат ташрифи давомида эришилган келишувлар изчил бажарилаётгани, сиёсий мулоқот мустахкамланиб, асосий

масалалар борасида томонлар бир-бирини қўллаб-қувватлаётгани алоҳида мамнуният билан таъкидланди.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда.

Кейинги йилларда Хитой инвестициялари ҳажми беш баробар, қўшма корхоналар сони уч баробар кўпайди. Жорий йил бошидан буён ўзаро савдо ҳажми 36 фоизга ошди. Йил якунигача ушбу кўрсаткич 10 миллиард доллардан ошиши кутилмоқда.

Товар айирбошлашни яқин беш йилда 20 миллиард долларга етказиш учун барча асослар борлиги ҳақида яқин фикр билдирилди.

Хитой компаниялари ва молиявий институтлари иштирокида юксак технологиялар, муқобил энергетика, кимё, машинасозлик, металлургия, электротехника тармоқларида, инфраструктура модернизация қилиш ва бошқа йўналишларда бир қатор йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон юқори қўшилган қийматли инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни биргаликда ташкил этиш орқали юқори технологик лойиҳаларни кўпайтиришдан манфаатдорлиги билдирилди.

Хитойнинг етакчи банклари ва “Ипак йўли” фонди билан самарали ҳамкорликка юқори баҳо берилди.

Худудлараро алоқалар фаоллашгани қайд этилди. Йил бошидан Ўзбекистонга Шинжон — Уйғур автоном ҳудуди, Шэньси, Шаньдун, Цзянсу ва Цзянси музофотлари делегациялари ташриф буюрди.

Хитойнинг камбағалликка қарши курашиш тажрибасини ўрганиш ва жорий этиш борасида самарали тажриба алмашиш ва амалий ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Барча келишувлар ихросининг боришини кўриб чиқиш мақсадида Ҳукуматлараро қўмитанинг навбатдаги йиғилишини ўтказиш таклиф қилинди.

Етакчилар маданият, таълим ва туризм соҳаларида қизгин ҳамкорликни юксак баҳоладилар. Хитой 2023 йилни “Марказий Осиё ва Хитой халқлари маданияти ва санъати йили” деб эълон қилиш ташаббусини қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик билдирилди.

Яқинда Ханчжоудagi Ипак миллий музейида Ўзбекистоннинг тақдими бўлиб ўтди. Пекиндаги “Гугун” саройи музейида “Макон ва йўл” ташаббуси доирасидаги Археологик ҳамкорлик кўргазмасида тарихий меросимиз экспозицияси ташкил этилди.

Октябрь ойи охирида Ўзбекистонда Хитой маданияти кунлари, келгуси йил баҳорида эса Хитойда Ўзбекистон маданияти кунларини ўтказиш режалаштирилган.

Ўзбекистонда, айниқса, ёшлар орасида хитой тилини ўрганишга қизиқиш ортиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Тошкент ва Самарқанддаги Конфуций институтининг самарали фаолияти бунга қатъий ҳисса қўшмоқда.

Хитой тилини ўқитишни ва ёш олимлар ўртасидаги алмашинуви кенгайтириш режалари белгилаб олинди.

Ўзбекистон Президенти Тошкентда Хитойнинг етакчи Цинхуа университети

ва Пекин университети филиалларини очишни таклиф қилди.

Минтақавий кун тартиби ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

“Ягона Хитой” сиёсати ҳамда “уч ёвуз куч”га қарши курашиш борасидаги позиция ўзгармас экани тасдиқланди.

Учрашувда илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни қабул қилишга келишиб олинди.

Музокаралар якунида давлатимиз раҳбари ХХР Раисини ташриф билан Ўзбекистонга келишга таклиф этди.

Учрашув ҳар доимгидек ишончли, очик ва дўстона руҳда ўтди.

Пекин шаҳридаги Халқ йиғинлари уйида “Бир макон, бир йўл” учинчи халқаро форумида иштирок этаётган делегациялар раҳбарларини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва рафикасини Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ва рафикаси тантанали кутиб олди.

Маросимда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Антониу Гутерриш, Россия Президенти Владимир Путин, Қозғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Венгрия Бош вазيري Виктор Орбан, Покистон Бош вазيري вазиқасини бажарувчи Анвар ул-Ҳақ Какар, Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Берди-мухамедов, қатор бошқа мамлакатларнинг давлат ва ҳукуматлар раҳбарлари ҳам иштирок этди.

Меҳмонларга театрлаштирилган концерт дастури тақдим этилди.

Давлатимиз раҳбари Хитойга амалий ташриф доирасида Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти Во Ван Тхонг билан учрашди.

Икки мамлакат ўртасида, энг аввало, савдо-иқтисодий соҳадаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, Вьетнам Ўзбекистоннинг Осиё — Тинч океани минтақасидаги муҳим ҳамкоридир. Кейинги йилларда турли даражалардаги мулоқотлар фаоллашди, ўзаро савдо ҳажми ва қўшма корхоналар сони ортиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги ва балиқчилик соҳаларида лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Етакчи компанияларимиз нефть-газ мажмуасида, машинасозлик, электротехника, кимё, тўқимачилик, пойабзал, мебелсозлик, озиқ-овқат ва бошқа тармоқларда, шу жумладан, махсус иқтисодий зоналар ва индустриал парклар доирасида кооперациялар ташкил этиш учун имкониятлар мавжудлиги қайд этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон ва Вьетнам етакчилари маданият, таълим ва туризм соҳаларида алмашинуви ривожлантириш муҳим эканини таъкидладилар.

Ўзбекистон Президенти “Amer International” индустриал-саноат ҳолдинги раиси Ван Вэньнини қабул қилди.

Хитойнинг етакчи конгломератларидан бири бўлган “Amer International” юксак технологиялар, электроника, яримўтказгичлар саноати, қончиллик ва

қайта ишлаш тармоқларидаги лойиҳалар билан шуғулланади. Компания “Fortune 500” глобал рейтингига кирган. Хитойда ва унинг ташқарисида умумий қиймати 60 миллиард доллардан зиёд бўлган лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Ван Вэньин Ўзбекистонда олиб борилаётган ишловлар дастури хорижий, шу жумладан, Хитой компаниялари учун қулай шароит яратаётгани ва кенг имкониятлар очаётганини таъкидлади.

Компания мамлакатимизга Марказий Осиё минтақасидаги бизнесининг бош йўналиши сифатида қараётгани қайд этилди.

Мисли чўқур қайта ишлаш ва ундан юқори қўшилган қийматли инновацион ва харидорғир маҳсулотлар, шу жумладан, электротехника, электромобиллар учун аккумулятор батареялари, микроэлектроника ва яримўтказгичлар ишлаб чиқариш бўйича истиқболли лойиҳалар муҳокама қилинди.

“Amer International” компанияси раиси Хорижий инвесторлар кенгаши фаолиятида иштирок этиши, мамлакатимизда минтақавий офис очиш ҳамда қўшма инновацион лойиҳаларни тезлаштириш бўйича “Йўл харитаси”ни қабул қилиш юзасидан келишувга эришилди.

Форумнинг асосий тадбирлари 18 октябрь куни бўлиб ўтади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.



БИЗ ВА ДУНЁ

Хитой элчиси Юй Цзюнь:

“Янги Ўзбекистоннинг миллий тараққиёти ва қурилиши ютуқларини ўз кўзим билан кўриб турибман”

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 17-18 октябрь кунлари Пекин шаҳрида бўлиб ўтаётган “Бир макон, бир йўл” учинчи халқаро форуми тадбирларида иштирок этиш учун Хитойга амалий ташрифи арафасида “Дунё” АА муҳбири ушбу мамлакат элчиси Юй Цзюнь билан Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлиги, жумладан, “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасидаги муносабатлар истиқболлари ҳусусида суҳбатлашди.

— Сўнги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги мулоқот жадал ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари ўртасидаги муносабатларда, экспертлар таъбири билан айтганда, “кимёвий боғлиқлик” бор. Улар ўтган йили сентябрь

ойида Самарқандда, май ойида эса Сиань шаҳрида учрашди. Мана энди етакчиларимиз бир йилдан сал кўпроқ вақт ичида учинчи марта учрашмоқда. Хитойнинг Ўзбекистондаги янги элчиси сифатида бу жараёнларни қандай баҳолайсиз?

— Айтганингиздек, ХХР Раиси Си Цзиньпин ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев сўнги йилларда яқин алоқаларни давом эттириб, чуқур дўстлик ришталарини ўрнатган ҳолда юқори даражадаги сиёсий ўзаро ишончга эришдилар. Ўтган йилнинг сентябрь ойида Раис Си Цзиньпин Ўзбекистонга тарихий давлат ташрифи билан бўлиб, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг (ШХТ) Самарқанд саммитида иштирок этди. Унда давлат раҳбарлари кенг қамровли стратегик шериклик янги даврга қадам қўганини эълон қилдилар.

Давоми 2-бетда



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ



МАВЖУД ИМКОНИАТЛАРНИ ЧАМАЛАШ ВА МЎЛЖАЛНИ КЕНГРОҚ ОЛИШ ФУРСАТИ

САМАРҚАНДА БУТУНЖАҲОН ТУРИЗМ ТАШКИЛОТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 25-СЕССИЯСИ ДОИРАСИДАГИ ТАДБИРЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Дунёда иқтисодий ўсиш омиллари янгида тус олмоқда. Дейлик, туризмни олайлик. Бугун дунёдаги кўплав давлатлар иқтисоди бевосита туризмдан тушадиган даромадга боғлиқ бўлиб қолган. Шунинг баробарида бошқа мамлакатларнинг ҳам ундан яна ва яна кўпроқ фойда топишга интилиши кучайган. Ҳатто соҳани минтақавий микёсда ривожлантириш масаласи кун тартибига чиқиб келди.

Боиси, ахборот асри манбалари ва қитъаларни ўзаро яқинлаштирувчи транспорт ренессанси инсоният учун қатъий имкониятлар йўлини очмоқда. Янги имкониятлар умумбашарий жамият манзарасини тубдан ўзгартириб юборди. Инсонлар оғир меҳнат қилишдан қўтулиб, бу вазифа замонавий технологиялар зиммасига тушяпти.

Давоми 3-бетда

Инновацион ғоя, ноанъанавий бизнес, юкори технологияга асосланган ечимлар, инвестицион жозибадорлик, жамоавий кадриятлар — буларнинг барчаси мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган “InnoWeek-2023” инновацион ғоялар ҳафталиги кун тартибидан ўрин олган.

“Креатив таълим ва инновация — Янги Ўзбекистон тараққиётининг асоси” шиори остида ўтаётган ҳафталик янгича фикрлайдиган меҳнат жамоалари, интеллектуал салоҳият эгалари учун ғоялар алмашиш ҳамда қулай мулоқот платформаси вазифасини ўтамоқда. Ўзгача шуқуҳ касб этган ҳафталик давомида панел учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этиляпти. Хорижий ва миллий экспертлар, таҳлилчилар янги Ўзбекистондаги олий таълим, фан ва инновациялар соҳасидаги ислохотлар моҳияти, эришилган ютуқлар ва галдаги долзарб вазифалар, вужудга келаётган мутлақо янги ривожланиш муҳити тўғрисида фикр алмашмоқда.



ИНТЕЛЛЕКТУАЛ КЕНГЛИК САРИ ҚАДАМ

Инновацион ғоялар ҳафталигидан дастлабки таассуротлар

Пойтахтимизда ташкил этилган “InnoWeek-2023” кўргазмасида “Илм-фан ва тижорийлаштириш лойиҳалари”, “Ёшлар академияси”, “Стартап лойиҳалар”, “Креатив таълим” ва “Хорижий давлатлар” бурчакларида 150 га яқин ташкилот 200 дан зиёд инновацион маҳсулотини намойиш этмоқда.

Илм-фан янгиликлари нафақат Тошкент шаҳрида, балки юртимизнинг барча ҳудудида намойиш этилаётгани ҳафталиқнинг эътиборга молик жиҳатларидан. Ҳафталикка 20 дан зиёд мамлакатдан 250 дан ортиқ эксперт, Жанубий Корея, Германия, Малайзия, Россия ҳамда Эрон каби мамлакатлардан 90 га яқин инновацион корхона жалб этилган. Улар интеллектуал салоҳият маҳсули бўлган янги ишланмаларини намойиш этиш баробарида ўзбек олимлари, маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари билан фойдали битим ва келишувларга эришиши кутилмоқда.



Кузи тижоратлаштириш форуми доирасида ташкил этилган кўргазма ҳам иштирокчилар эътибор марказида. Унда баҳорги тижорийлаштириш форумида саралаб олинган, тармоқ муаммоси ечимига қаратилган стартап лойиҳалар ўрин олган.

Мамлакатимиз бўйлаб ўтаётган ҳафталикка ижодкорлик, креативлик асос қилиб олинди. Бу ҳафталик юксак интелект эгалари, ижодкорлар, янгилик яратаман, янги инновацияларга қўл ураман, деган барча юрдошларимиз, хорижий ҳамкорларимизни мулоқот платформасида жамлади, — деди олий таълим, фан ва инновациялар вазир Иброҳим Абдурахмонов. — Юксак эътибор туфайли илм-фан ва таълим борасида ҳам дадил одимляяпти. Глобал инновацион индексда Ўзбекистоннинг ижодкорлик муҳити, креативлик йўналишидаги мақоми тобора юкорилаб бормоқда. Бу жуда катта ишонч беряпти. Салоҳиятли ёшлар жамоаси ва халқаро ҳамкорларимиз сазй-ҳаракати билан ижодкорлик муҳитини янада ривожлантиришга эришамиз. Мамлакатимиз иқтисодиётини фан ва технологиялар билан жадал тараққий эттирамиз.

раиси ўринбосари Дилором Тошмуҳамедова. — Ёшларнинг илм-фанда салоҳиятини рўёбга чиқариш нияоятда муҳим. Шу нуктаи назардан, бугунги ислохотлар замирида илм-фан, креатив ривожланиш, янгича ёндашувлар турибди. Шундагина юксак марраларга эришамиз. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам айнан таълим, илм-фан ривожига жуда катта эътибор қаратилган. 2030 йилгача Ўзбекистоннинг Глобал инновацион индекс рўйхатидаги етакчи 50 давлат қаторига кириши мазасига



жид-д-ий эътибор қаратилляпти. Фундаментал ишланмалар яратиш, илм-фан ва амалий тадқиқотларни жадаллаштириш, креатив иқтисодиёт рағнақи учун кенг имконият яратилмоқда. “InnoWeek” ҳафталиги мана шу ислохотларнинг бир кўриниши, десак хато бўлмайди.

Илм-фан янгилиги мамлакат иқтисодий тараққиётига хизмат қилади. Жумладан, янги ёки тақомиллаштирилган технологик жараён шаклидаги ижодий меҳнат — стартапларга эътибор катта жойда тараққиёт юкори даражага кўтарилади. Ҳафталик доирасида ташкил этилган Туркий дунё ёшларининг илм ва инновациялар халқаро конгрессида ана шу фикрлар яна бир бор тасдиқини топди. Келгуси 10 йилликдаги муам-

лишда форум, халқаро ярмарка ва кўргазмалар ташкил қилиш хусусида сўз юритилди. Ҳафталик доирасида Ўзбекистонда стартап экотизимини тақомиллаштириш учун Германия, Жанубий Корея, Италия ва БАА экспертлари иштирокида “Startup Pitch”, “Ўзбекистон — Корея стартап кўни”, “Энг муваффақиятли стартаплар ўртасида Demo day” тадбирлари ташкил қилинади. Бундан ташқари, илм-фан ва инновация соҳаларидаги янги тадқиқотлар, Германиядаги турли таълим ва тадқиқот дастурлари ҳамда уларда қатнашиш шартлари, жумладан, DFG, DAAD ва Германиянинг бошқа етакчи илмий тадқиқот жамғармалари, яшил инновациялар, Германия ва Ўзбекистон ўртасидаги қўшма илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида қилинаётган ишлар билан таништирилади. Шу мақсадда Германиядан келган экспертлар иштирокида “Ўзбекистон — Германия илм-фан кўни”, “Жаҳон бозори учун яшил инновациялар”, Германиянинг нуфузли таълим грантлари қўлга киритган ўзбек ёшлари ва олмон делегацияси иштирокида битирувчилар форуми тадбирлари ташкил қилиниши кутилмоқда.

— “InnoWeek” ҳафталигида уч йилдан бери ишланмаларимиз билан қатнашиб келяпмиз, — деди Германия Федерал таълим ва тадқиқот вазирлиги бўлим бошлиғи Габриель Ҳермани. — Бу йил ҳар қачонгидан катта делегация билан келдик. Жумладан, бу ерда фан ва таълим соҳасининг 35 вакили биз билан бирга. Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан фан ва инновация соҳасида ҳамкорлик қилаётганимиздан мамнунмиз.



Бу ҳафталик шу ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга ишонамиз. “Ўзбекистон — Германия илм-фан кўни”да инновацион муҳитни яхшилаш, ҳамкорлигимиз салоҳиятини очиб, янада мустаҳкамлаш ҳақида фикр алмашамиз.

Ҳафталик доирасида ўтказиладиган бу йилги тадбирлар қамрови ва қўламини кўра, олдингиларидан тўздан фарқ қилади. Илм-фан, инновация иқтисодиётга оид барча йўналишлар қамраб олинган. Биргина “Илм-фан ва тижоратлаштириш кўни”да қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, машинасозлик, саноат, баллиқ саноати, ветеринария, ижтимоий ҳамда бошқа қатор соҳалардаги 100 га яқин ташкилотнинг маҳсулотлари билан иштироки кутилмоқда. Тадбир доирасида Бельгия, Словакия, Қатар ҳамда Озарбайжон олимлари билан ҳамкорликда тижорийлаштирилаётган лойиҳа ҳамда технологиялар трансфери, хусусан, мактаблар учун мўлжалланган Foldscope оптик микроскопи, Codiply компаниясининг хусусий мактаблар учун мўлжалланган инновацион дастурлари, сунъий интелект асосида ишлайдиган сунъий нафас олдириш аппарати, Қатарнинг Бонокл ташкилоти кўзи охиж инсонларга мўлжаллаб ишлаб чиқарган қўрилма тақдироти бўлиб ўтади.

Илгор технологиялар маркази бу йил бешинчи мартаба ўтказадиган “Фан ва инновация” ёш олимлар йиллик халқаро конференцияси илм-фан ва инновацион жараёнларни ривожлантиришнинг долзарб муаммоларига бағишланади. Унда илмий-амалий тажриба, илмий ютуқлар ва инновацион жараёнлар ўртасидаги боғлиқлик буйича фикр алмашилади. Анжуманда Ўзбекистон, Дания, Португалия, Хитой, Миср, Буюк Британия, Беларус, Россия, Тожикистон, Грузия, Туркменистон, Қирғизистон, Арманистон, Қозғистондан 500 нафардан ортиқ ёш олим ва етакчи мутахассис иштирок этади.

Ўзбекистонда олимларни илмий тадқиқот ишларига фаол жалб қилиш ва қулай шарт-шароит яратиш, илмий тадқиқот ишлари сифатини ошириш мақсадида Германия тадқиқот фонди (GDF) билан воркшоп, Жаҳон банкининг “Ўзбекистон миллий инновацион тизимини модернизация қилиш” (MUNIS) лойиҳасининг жорий фаолияти ва келгуси режалар, мамлакатимиз олимларининг ноширлик ва патент фаолияти мавзусида давра суҳбати, техника йўналишидаги олий таълим муассасаларининг илмий ва ижтимоий тадқиқот натижаларини тижорийлаштиришга доир тадбирлар ташкил этилади.

— Катта келишувлар режалаштирилган, — дейди Инновацион ривожланиш агентлиги директори Олимжон Тўйчиев. — Тадбирнинг энг асосий ҳамкорларидан бири — Корея Республикаси делегацияси таркибида 80 дан ортиқ вакил келган. Унта универститет, технопарклар, ишбилармонлар барчаси ҳозир Ўзбекистонда янги технологияларни трансфер қилиш билан бирга, биз ишлаб чиққан янги технологияларни жорий этиш масаласида фикр алмашилади. Энг муҳими, ҳафталик давомидо олимлар ва ишбилармонлар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, янги инновацион ишланмаларни амалиётга татбиқ этишга доир муҳим келишувлар имзоланади.

Ҳафталикда талабаларга замонавий билим ва кўникма бериш, илмий ва инновацион фаолиятга йўналтириш, инновацион тадбиркорликни йўлга қўйиш орқали мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш буйича олий таълим муассасалари ректорлари иштирокида биринчи марта Креатив таълим конгресси бўлиб ўтади.

Шу билан бирга, инновацион туманлардаги профессионал таълим муассасалари директорлари форуми иш бошлайди. Форумда юртимизнинг 28 инновацион ҳудудидан келган профессорлар ҳамда хорижий ҳамкор таълимотлар вакиллари мазъуза билан иштирок этади. Тадбирда креатив таълим соҳасини ривожлантириш учун хорижий ва маҳаллий экспертлар билан “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида профессионал таълим тизими соҳасидаги ислохотлар ҳамда хорижий давлатларнинг ушбу соҳада эришган ютуқлари юзасидан фикр алмашилади.

Рисолат МАДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири



Ўзи ўзалиниг — ўзи ўзал

ЭНДИ ЖОЙЛАРНИ НОМЛАШДА МАҲАЛЛИЙ АҲОЛИ ФИКРИ ИНОБАТГА ОЛИНАДИ

Юртимиз қиёфаси кундан-кун чирой очмоқда. Бу меҳнаткаш ва бунёдкор халқимизнинг ғайрат-шижоати шарофатидан, албатта. Лекин шундай эътирофлар она тилимизга бўлган муносабатимизга ҳам мос келадими? Очиги, бу саволга жавоб беришда бир оз ўйланиб қолишимиз рост.



Ҳаётхон МАҲМУДОВА, Тўрақўрғон туман ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси

2023 йил 15 августда Вазирлар Маҳкамасининг “Географик объектларга ном бериш тартиби тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, географик объектларни номлаш ва қайта номлаш, географик объектлар номларининг давлат реестрини юритишга доир тадбирлар режаси изчил бажарилмоқда. Қарор биз учун аини муддао бўлди, боиси, энди жойларни номлаш чоғида маҳаллий аҳоли фикрини ҳисобга олиш таомили белгиланди. Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур э қолдирган шахсларнинг тоифаларини аниқлаш, номини абадийлаштириш ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмоқда.

Хусусан, Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида 518 та турли объект — 1 та шаҳар, 13 та шаҳарча, 8 та қишлоқ, 20 та аҳоли пункти, 67 та маҳалла, 341 та кўча, 63 та қабристон, 2 та хиёбон ва 3 та зиёратгоҳ мавжуд. Улар номи тузатилиб, номсиз кўчалар номланиб, халқ депутатлари туман кенгашининг тегишли қарорлари билан тасдиқланган. 518 та объект қонунчиликка биноан маълум меъерларга таянган ҳолда давлат реестри базасига киритилди.

Туман комиссияси назорат юзасидан муайян натижаларга эришмоқда. Чунончи хоҳ давлат, хоҳ хусусий ташкилот ёки корхона бўлсин, пешлавлаларию ташқи рекламалари лотин алифбосида бехато ёзилмоқда. Ўзбек миллий маданиятига ёт расм-таъсир ва сўзлардан фойдаланмаслик қоралари қўрилмоқда. Мабодо камчиликлар учраса, тушунтириш, огоҳлантириш, нияёт, ўз вақтида бартараф этиш қўчайтирилган. Очиги, йил давомида хатоси бўлган 29 та, хорижий тилда битилган 23 та реклама янгиланди, яъни тўғрисида алаштирилди.

Ҳозирда туман ҳокимлигидаги “ЮРИДА — ОРФО” компьютер дастури фаолияти ибратли. Аини дастур кундалик иш хатларида ўзбек тилидан фойдаланувчиларга мўлжалланган. Дастур жўнатиладиган хатлар, қарорлар, фармойишлар ва бошқа ҳужжатларнинг савод билан теририлишга қўмаклашади. Кирилл алифбосидаги матнни лотин алифбосига ва аксига ўтиради. Натижаси анча ижобий, яъни ходимларга вақтини тежашда жуда қўл келяпти.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Она тилимиз — миллий маънавияти-мизнинг битмас-туганмас бўлуғидир. Шундай экан, унга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиздир”.

Қайд эиш кераки, бу борада давлатимиз раҳбарининг ўзи шахсий намуна бўлмоқда. Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 78-Ассамблеясида ўзбек тилида нутқ сўзлаб, кўнглимизда гурур-ифтихор туйғуларини янада юксалтирди. Жаҳоннинг юксак минбаридан янграган нутқда оламшумул тақлифларнинг уртага ташлангани янада шарафлидир.

Демак, тилимиз нуфузи — элимиз нуфузи. Ўзбек тилининг кадр-қиммати ошиши учун нафақат тил байрамида, балки ҳар кўни, ҳар лаҳза ўзбек тилида сўзлашмиш шарт. Ёш авлоднинг ўзбек тилига бўлган меҳр-муҳаббати ошиши учун биз, катталар соф ўзбек тилида гаплашиб, ўрناк бўлмоғимиз лозим. Зеро, сўзи гузалнинг — ўзи гузал. Алишер Навоий роҳларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш марказида лотин ёзувидаги ўзбек алифбоси, имло қўралари ва иш юритиш ўргатиш курслари билан доимий ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Тинловчилар махсус сертификатларга эга бўлмоқда.



“Дорул-Қуззот” — АДОЛАТ ДАРГОҲИ

КЎҲНА БУХОРОДАГИ ЭНГ ИШОНЧЛИ ВА МУСТАҲКАМ ҚЎРҒОН ҚАЙТА ТИКЛАНМОҚДА

равишда танлаган. Аксарият ҳолларда улар масжид, мадраса ёки ўз уйларида ишлаган. Кейинчалик алоҳида бинолар қурилиб, махсус қозихона ва маҳкамалар ташкил этилган. Бухоро амирлигида қозихоналар фаолияти Амир Шохмурад (ҳукмронлик даври 1785-1800) даврида кенгайиб борди. Шохмурад мамлакатда адолатни қарор топтириш мақсадида шахсий намуна кўрсатиб, Минораи Калон яқинидаги ҳовлисида фуқароларнинг арз-додларини эшитиш ва уларни ҳал этиш тизимини жорий этган. Натижада амирлик пойтахти Бухорода қозихоналар ва қозилар тасарруфида бўлган ҳовуз, ҳаммом, боғ, мадраса ва масжидлар сон XX аср бошлариға қадар муттасил кенгай борди.

Ҳуқуқий хизматларнинг дастлабки кўринишлари

Биз тадқиқот давомида ҳозир ҳаёт бўлган бухоролик нурунийлар хотиралари, илмий адабиётларда келтирилган маълумотлар, архив ҳужжатлари ҳамда 2022-2023 йиллардаги археологик изланишлар натижаларини ўргандик. Бухоро амирлигининг бугунги кунда қисман сақланиб қолган марказий қозихонаси қиёфасини тиклаш мақсадида унинг дастлабки манзараси қандай бўлгани, маҳкама жараёнлари қандай кечгани ҳамда қозихона қандай хоналардан иборат бўлгани каби саволларға жавоб излашға ҳаракат қилдик.

Ўрганишларимиз натижаси кўрсатадики, ўша даврларда қозикалон яшаган уй ва суд бошқармаси биноси қозихона деб юритилган. Бухоро шаҳрида суд ишлари учун мўлжалланган махсус бино бўлмаган, қозикалон уйи ўшбу вазифани бажарган. Қозиларнинг уйлари лойиҳа ва қурилиши жиҳатдан у ерда қозихона жойлашиши ёки жойлашмаслигига боғлиқ бўлмай, аънавий Бухоро аҳолиси хонадонларидан бирор жиҳати билан ажралиб турмаган. Бирок фуқароларни қабул қилиш ва уларға ҳуқуқий хизмат кўрсатиш ҳамда ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш учун тадбирлар ўтказиш каби талабларға жавоб бера олган.

Тарихий манбаларнинг далолат беришича, Бухоро шаҳрида бир неча қозихона фаолият юритиб, марказий қозихона Арк кўрғонидан ташқарида — Минораи Калоннинг жануби-ғарби, Шахристон ва Гавкушон мавзелари ўртасидаги Шарифжон гузарининг жарлик ёқасидаги қисмида жойлашган. Бу мавзе XVI асрда Мирзоқули гузари деб номланиб, жуда кичик ва аҳолиси ҳам оз бўлган. У ерда дастлаб фақат қозикалон ҳовлиси, яъни қозихона бўлган. Гузар аҳолисининг кўпчилиги қозихонада турли лавозимларда, хусусан, миззалик ва мулозимлик вазифаларида ишлаган. Бошқа қисми эса хунармандлик ва савдо билан шуғулланган.

Қозихонанинг урта дарвозаси бўлиб, марказий дарвоза фуқароларни қабул қилиш учун мўлжалланган. Қозикалон уйининг дарвозаси ортида суфа

бўлган, катта суфада жиба, миззобоши, қоровулбеги унвонига эга, “қирқ аълам” деб номланган 40 га яқин уламо ўтирган. Унг томондаги кичикроқ бошқа суфа эса дарбон (дарвозабон) учун мўлжалланган. Унинг вазифаси эшик олдида навбатчилик қилиб, мурожаатчиларни қозикалон олдиға олиб боришдан иборат эди. Қозихонанинг марказий дарвозаси ҳеч қачон ёпилмаган. Агар уни ёпишганда ҳам бу узоқ муддатта чўзилмаган. Бундан асосий мақсад амирнинг қарорларини ва турли расмий шошилинч хатларини кечиктирмасдан қабул қилиш бўлган.

Уч ҳовлидан иборат маскан

Бухоронинг XIX асрга оид қозихонаси учта ҳовлиға бўлинган ва ҳар бири алоҳида вазифани бажаришға мўлжалланган. Биринчи ҳовли қабулхона, махзархона (ҳужжатхона), аминахона (амин хонаси), мутаваллихона (иш бошқарувчилар хонаси),



муфтихона, махрамхона (ёрдамчилар хонаси) ва қозилик ҳужжатлари расмийлаштирилладиган бошқа хоналардан иборат. Бу ҳовлида ҳозир фақат қозикалон ўтирадиган олд айвонли меҳмонхона, мирзои дафтарахонаси ҳамда муфтихоналар сақланган.

Барча маҳкама жараёнлари айнан шу ҳовлида ўтказилган. Дарбоши томонидан олиб келинган фуқарони аввал икки махрам — қозикалоннинг яқин ёрдамчилари қабул қилиб, дастлабки ишни кўриш жараёни кечган. Муфтихонада муфти-аълам раислигида 15 мулладан иборат девони муфти кенгаши маслаҳатлашган ҳолатда шариат қоидаларига риоя этиб фатво, сижил (икки шахс ўртасидаги бахс-мунозара бўйича қози томонидан чқарилган ҳукм) ва ривоятлар тузишган, сўнгра фуқаро қозикалон хузуриға олиб борилган. Қози одатда ўз котиби — мирзои калон билан биргаликда кичик дараза орқали фуқароларни бўйрои шариат (шариат гиламчаси) устиға таклиф этиб, муроффаа (даъво,

қозига шикоят билан мурожаат қилиш, суд) жараёнини амалға оширган. Шахсий масалалар бўйича мурожаат этувчилар эса олд дахлиз орқали киритилган. Худди шу ҳовлида қозикалоннинг шимолға қараган беш эшикли, баланд устунли ёзги қабулхонаси ҳам жойлашган. Қозихонада аксарият ҳолларда фуқаролик ишлари ва кичик низоли вазиятлар қўриб чиқилган. Агар иш жуда кескинлашиб кетса, унда Арк кўрғонида қўшбеги хузурида шайх ул-ислом, раисикалон ва қозикалондан иборат 40 нафардан 60 нафаргача мулозими маҳкама ишларида фаолият юритган. Шунингдек, Бухоро

қозихонада Садриддин, Бадриддин ва Бурхониддин сулоласи Бухоро амирлиги қозикалонлари сифатида фаолият кўрсатган. Кейинчалик ҳовли уларнинг авлодлари, хусусан, қози Киромиддин тасарруфиға ўтади. Мазкур қозилар авлодиға бухороликларнинг ҳўрмат ва эҳтироми баланд бўлиб, улар истиқомат қиладиган хонадон (қозихона) аҳоли ўртасида Ибн Байзо (ёки хонадони Байзо, яъни равшан, шафқор, нурли хонадон) номи билан таърифланган.

Сақланиб қолган ягона қозихона

Қизил армиянинг 1920 йил 28 августдан 2 сентябргача давом этган ҳужуми оқибатида Бухоронинг аксарият бинолари ёнғинда қолади. Бухороликлар орасида кичик қиёмат деб номланган мазкур босқинда қозихона ҳам қисман зарар кўради. Бухоро шаҳрини босиб олган қизил аскарлар Арқдаги амир хазинасини, Бухоро қозикалонни, қўшбегиси ва бошқа сарой амалдорларининг бутун бойликларини талон-тарож қилганлар.

“Бухоро аҳбори” газетасида ёзилишича, мулла Бурхониддин қозикалон ва амирликда бошқа юқори мансабларда бўлган қози, мулла ва судорлар Бухоро фавулодада текишув комиссияси қарори билан 1920 йил 6 сентябрда отишға ҳўкм қилинган. Ўша воқеаларнинг бевосита шохиди бўлган Муҳаммад Али Балжувоний ўз асарида Бухорода уламоларға нисбатан жазо сиёсатини қуйидагича кўрсатади: “Миёсарой ўртасидаги жиловхона дарвозаси ҳўжраларидан бирида яширинган қозикалон (Мир Бурхониддин), раисикалон ва қозикалоннинг ўғли Шаҳобуддинхон Миёсаройда асирға олинди. Улар орасида қозикалоннинг мирзоси ва дабири (дарбор) Мирзо Умар мироҳур ҳам бор эди. Уларни узлиқ билан Бухорода юбордилар. Бу ва бошқа қўлаб маҳбўслар шўро қонунлари бўйича гуноҳдор деб топилди ва суд қозиларининг ҳўкми билан қатл этилдилар”.

БХСР ҳўкумати қашлантирилган, дастлабки ишлар адлия назоратини ўрнатилишдан бошлаб, Хусусан, 1920 йил 2 октябрдан бошлаб БХСР Адлия нозирлиги томонидан шахар ва туманларда қозиконалар ташкил этилиб, ҳар бириға қозилар тайинланган. Бухоро ҳўкумати аҳолиға биринчи мурожаатномасида эски қозиконалар фаолияти тугатилгани ва унинг ўрнида халқ судлари (халқ қозиконалари) ташкил этилгани, тан жазоларини қўллаш ман этилгани, шунингдек, тили, дини, ижтимоий келиб қиқиси ҳамда жинсидан қатъи назар, барчаннинг қонун олдида тенглигини эълон қиладди.

1921 йил 18-23 сентябрда Бутунбухоро халқ вакилларининг II қўрултойида БХСРнинг 79 моддадан иборат конституцияси қабул қилинади. БХСР Марказий ижроия қўмитаси қарорига қўра, Адлия нозирлиги таркибида 1922 йил ноябрда прокуратура бўлими фаолияти йўлга қўйилади. Шундай қилиб, кўҳна Бухорода асрлар давомида амирлик тизимида мавжуд бўлган қозилик маҳкамаси фаолиятидан бирданига воз кечилмай, 1924 йилға қадар сақлаб қолинди. 1928 йил баҳорида эса қозихоналар миллий ҳўқуқ маҳкамаси сифатида бутунлай тугатилди.

Бухоро амирлигининг қозихона маҳкамаси ўз фаолиятини тугатган, ҳовли Бухоро Халқ Шўролар Жўмҳўрияти тасарруфиға олинади. Ўшбу бинода 1922 йилда Файзулла Ҳўжаевнинг қўрсатмаси билан хорихдан усқуналар келтирилиб, зарбхона ташкил қилинади. Расман Ўзбекистонда қози унвони билан фаолият юритган сўнгги шахс эса таниқли дин ва жамоат арбоби, муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон (1908-1982) бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, XIX асрга оид Қозихона маданий мерос ёдгорлиги ўз даврида фуқаролар муаммоларини бартараф этишға қаратилган адлия хизматларини кўрсатувчи адолат даргоҳи бўлган. Афсуски, совет даврида бу ёдгорликка эътибор берилмаслиги оқибатида кенг майдонни эгаллаган ва бир неча тармоқдан иборат бўлган қозихона аянчли аҳволға келиб қолди.

Бутун ана шу меросни ўрганиш, тадқиқ этиш ҳаракатлари фаоллашгани қувонарли. Сақланиб қолган ягона қозихонани қайта тиклаш, унга янги ҳаёт бағишлаш ва ҳўқуқ тарихи музейини ташкил этиш мақсадға мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Зеро, аҳоли ўртасида ҳўқуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳўқуқий-маърифий тадбирларни халқимизнинг бой тарихи, илмий-маданий мероси, миллий-диний қадриятларини ўргатиш билан уйғун ҳолда ўтказиш ҳам ибратли, ҳам самарали ишдир.

Шу мақсадда тадқиқот доирасида Бухоро вилояти прокуратураси ташаббуси билан “Бухоро амирлиги қозихона маҳкамаси тарихи” китоби чоп этилди. Унда Бухоро амирлигининг маъмурий-бошқарув тизими ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, шунингдек, амирликда шариат аҳқомлари асосида амалға оширилган ислохотлар, қозилар тайёрлаш амалиёти ва касбий мезонларнинг ишлаб қилилиши, Бухоро амирлиги қозихонаси ва унинг фаолияти, амирликда жазо ва ижро амалиёти, мангитлар даврида Бухорода адолатпарварлиги ва бекиёс билими билан ном қозонган маърифатпарвар қозилар ва уларнинг илмий мероси ҳақида маълумотлар берилди.

Албатта, биз ўшбу кичик тадқиқотимиз орқали Бухоро амирлиги қозихона маҳкамаси ва унда кечган жараёнларни тўла ёритдик, деган фикрдан йироқмиз. Бироқ қозилик маҳкамаси тарихи нийоятда бой экани ва аниқланган маълумотлар кейинги тадқиқотларға қайсидир маънода йўл очишға имкон беришиға ишонамиз.

Исмаи НАИМОВ,
Бухоро давлат
университети доценти,
“Буюк ипак йўли”
маркази раҳбари

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

ЖАҲОН ТАМАДДУНИГА ДАХЛДОРЛИК ХИССИ

Орадан неча асрлар ўтганига қарамай, ўрта асрларда яшаб ижод қилган, жаҳон тамаддуни ривожига бебаҳо хисса қўшган аллома ва мутафаккирлар даҳоси, илм-фаннинг турли йўналишларидаги изланишлари ва қомусий билимлари ҳамон эътироф этилмоқда. Илм-фаннинг турли соҳаларида кашфиётлар қилган аждодларимиз ислом илмида ҳам пешқадам бўлиб, ислом цивилизациясига бекиёс хисса қўшишган. Уларнинг ҳаёт йўллари ва илмий-маънавий меросини ўрганиш, тадқиқ этиш бугунги кунда долзарб мавзуга айланган.



ҳамкорликда “Марказий Осиёда ислом цивилизацияси: ўтмиш ва ҳозирги замон” мавзусида IV халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Онлайн ва оффлайн форматда ташкил этилган халқаро конференцияни Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори Ўйғун Ғафуров очиб берди.

— Марказий Осиё минтақаси ўзининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маърифий ва геополитик имкониятлари билан дунё эътиборида турибди. — деди У.Ғафуров. — Хусусан, Марказий Осиё минтақасида азалдан яхши қўшничилик, ҳамжихатлик, савдо, иқтисодий ва илмий-маданий алоқалар

ривожланган. Умуман олганда, Марказий Осиё минтақаси Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашгани геополитик нуқтаи назардан муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон халқаро ислом академиясида ҳар йили аънавий тарзда ўтказилаётган халқаро конференция ҳам минтақа халқлари ўртасидаги меҳр-оқибат, бағрикентлик, ҳамжихатлик каби умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш, тарғиб ва тадқиқ этиш мақсадларига хизмат қилишига ишонаман.

Шунингдек, IRCICA — Ислмо тарихи, санъати ва маданиятини тадқиқ этиш халқаро маркази бош директори, профессор Маҳмуд Эрол Қилич ҳам маъруза билан чиқиб қилди.

Анжуманда IRCICA тадқиқотлар ва нашр бўлими бошлиғи Женгиз Томар, Бош директор маспахатчиси, тарих фанлари доктори Аширбек Мўминов, Ўзбекистон халқаро ислом академияси профессор-ўқитувчилари, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари директорлари, турли давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳамкор муассасалар раҳбарлари, профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар, илмий-тадқиқотчилар, талабалар иштирок этиди.

Конференция “Марказий Осиё минтақасида ислом маданияти ва санъати”,

“Марказий Осиё мутафаккирлари илмий-маънавий мероси”, “Марказий Осиё тарихий ёдгорликлари эпиграфикаси ва архитектураси” ҳамда “Марказий Осиё халқларининг урф-одат ва аънаваларидаги умумийлик ва ўзига хослик” каби йўналишларға бўлинган ҳолда давом этиди. Қатнашчилар томонидан “Муқаддамат-ул-адаб” қадимий қўлёзмаларининг тавсифи, “Ислмо цивилизациясида хаттотлик санъатининг ўрни ва IRCICAnинг хаттотлик санъатига қўшган хиссаси” ва бошқа долзарб мавзуларда маърузалар қилинди. Сўзға чиққанлар Марказий Осиёнинг ислом цивилизацияси ривожидидаги тарихий ўрни, минтақа алломаларининг илмий-маънавий меросини ўрганиш борасида олиб бораётган илмий тадқиқотлари ҳақида батафсил маълумот берди.

— Халқаро анжуманда Марказий Осиё халқлари тарихи, маданияти, ёзма ёдгорликлари ва илмий меросига оид мавзулар ҳам муҳокама қилинди, — деди Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Ислмо тарихи

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН
МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обуюни расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер маҳкамасида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишиға “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатта олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1046.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими А2.** Баҳоиси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов
Мусаҳҳас: Шероз Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза Якуни — 22:45 Топширилди — 23:40